

“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati

Ягона акциядорининг 11 - сонли

Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳри

2024 йил “24” сентябрь

“O‘zbekiston MET” AJ (кейинги ўринларда – Жамият) томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 51 133 887 615 (эллик бир миллиард бир юз ўттиз уч миллион саккиз юз саксон етти минг олти юз ўн беш) донани ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислох қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – Жамият Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58, 59-моддаларига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ-49-сонли Фармони ижроси бўйича.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сонли Фармонига мувофиқ, “O‘zbekiston MET” AJни янги таҳрирдаги Устави ва Жамиятни янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси лойиҳасини тасдиқлаш бўйича.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ-49-сонли Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармонга мувофиқ:

давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган йирик хўжалик жамиятлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатилиши ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш;

- йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан улар эгаллаб турган лавозимида лойиқлиги масаласи кўриб чиқилиши белгилаб ўтилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “O‘zbekiston MET” AJнинг иловага мувофиқ янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” ва “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги” Низомларни тасдиқлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сонли Фармонида мувофиқ ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талаблари доирасида 2023 йил 1 декабрда “O‘zenergositish” АЖ ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 январдаги ПҚ-28-сонли Қарори билан тасдиқланган “Энергетика бозорини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси”нинг 19-бандида “O‘zbekiston MET” АЖнинг маълум функция ва ваколатлари “O‘zenergositish” АЖга ўтказилишини инобатга олиб, жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сонли Қарорида ҳамда Жамият Уставида белгилаб ўтилган тартибга мувофиқ “O‘zbekiston MET” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 17 майдаги 2/2024-сонли йиғилиши баённомаси билан жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави ва ташкилий тузилмаси маъқулланган бўлиб, Ягона акциядор томонидан тасдиқланиши таклиф этилди.

Кун тартибида келтирилган масалалар юзасидан “O‘zbekiston MET” АЖ Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “O‘zbekiston MET” АЖни янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги 1-иловага мувофиқ, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги 2-иловага мувофиқ низомлари тасдиқласин.

2. “O‘zbekiston MET” АЖнинг янги таҳрирдаги “Устави” 3-иловага мувофиқ ҳамда янги таҳрирдаги “Ташкилий тузилмаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш “O‘zbekiston MET” АЖ бошқаруви раиси Д. Исақулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири
ўринбосари

 **Х. Б. Мустафаев**